

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОМОНОВ ШЕРАЛИ ИБРОХИМ ЎҒЛИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА РЕКЛАМА ИДРОК ҚИЛУВЧИЛАР ШАХСИНИНГ  
ЭТНОПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) психологических наук**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD)  
on psychological science**

**Омонов Шерали Иброхим ўғли**

Ўзбекистонда реклама идрок қилувчилар шахсининг этнопсихологик  
хусусиятлари ..... 3

**Омонов Шерали Иброхим ўғли**

Этнопсихологические особенности личности воспринимающих рекламу в  
Узбекистане ..... 21

**Omonov Sherali Ibrohim ugli**

Ethnopsychological features of the personality perceiving advertising in  
Uzbekistan..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОМОНОВ ШЕРАЛИ ИБРОХИМ ЎҒЛИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА РЕКЛАМА ИДРОК ҚИЛУВЧИЛАР ШАХСИНИНГ  
ЭТНОПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/P279 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (psi-ik@.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Каримова Василя Маманосировна**  
психология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хайитов Ойбек Эшбоевич**  
психология фанлари доктори, профессор

**Шойимова Шохиста Санақуловна**  
психология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат шарқшунослик университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2021.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz))

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди (2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ф.А. Акрамова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, психология фанлари доктори, доцент

**Н.Б. Атабаева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**З.Т. Нишоновна**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, психология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда иқтисодиётнинг ривожланиши, савдо-сотик муносабатларининг ўсиб бориши, аҳоли сонининг ортиши ва бу билан озиқ-овқат хавфсизлигини мураккаблашиши ҳамда иқтисодиётда рақобат муҳитининг жадаллашуви натижасида истеъмол мотивацияси ва реклама коммуникациялари билан боғлиқ масалаларга эътибор долзарблашиб бормоқда. «...Реклама у ёки бу тарзда замонавий инсоннинг яшаш тарзини яратишда иштирок этади, унинг онги ва хулқ-атвориға маълум манода таъсир кўрсатади ҳамда ижтимоий ҳаёт қиёфасини шакллантиради».<sup>1</sup> Хусусан, дунё аҳолисининг онги, фикрлаши, хулқ-атвори ва маълум баҳолар тизими, истеъмолчилик дидининг шаклланишида рекламанинг таъсири кун сайин ортиб бормоқда.

Жаҳонда рекламани инсон, шу билан бирга жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий соҳаларға кўрсатаётган психологик таъсирини ўрганишға кейинги йилларда устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бу борада мамлакатларнинг ўзига хос этник, миллий, диний хусусиятларини ҳисобға олган ҳолда рекламанинг этнопсихологик ўзига хос хусусиятлари ҳамда рекламанинг инсон онгига психологик таъсири билан боғлиқ масалаларни илмий жиҳатдан татқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда демократик ислохотлар давом этаётган, фуқаролик жамияти асослари мустаҳкамланаётган ва бозор иқтисодиёти жадаллик билан ривожланаётган бир пайтда реклама фаолиятини такомиллаштириш, унинг самарадорлигига эришиш, истеъмолчилик маданиятини шакллантириш, дунё бозорида ўзбек брендини юксалтиришға йўналтирилган стратегик вазифалар белгиланиб, зарур асослар яратилмоқда. «Рекламанинг айланиши соҳасидаги муносабатларни тартибға солиш, шу жумладан истеъмолчиларни нотўғри рекламадан ҳимоя қилиш, реклама бозори иштирокчилари учун қулай шарт-шароитлар яратиш...»<sup>2</sup> тамойилига асосланиб, юртимизда ишлаб чиқарилаётган кўплаб маҳсулотлар ҳамда хизматларни дунё бозорида машҳур бренд даражасига кўтариш учун унинг самарали рекламасини яратиш, халқаро савдо-сотик алоқалари кучайган бир шароитда айнан рекламани идрок этувчилар психологияси ва ундаги этнопсихологик ўзига хосликни ўрганиш, шубҳасиз, ўта долзарбдир. Шу билан бирга, тадбиркорларнинг ўз маҳсулотларини сотиш, экспорт ҳамда импорт борасидаги фаолиятини янада ривожлантириш, маркетинг ва реклама соҳасини ҳам янги босқичға олиб чиқиш долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларға мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон «Илм-фанни

<sup>1</sup> «Реклама в современном социокультурном пространстве». <https://www.dissercat.com/content/reklama-v-sovremenном-sotsiokulturnom-prostranstve>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Реклама тўғрисида. ЎРҚ-776-сон. 2022 йил 7 июнь. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.06.2022 й., 03/22/776/0498-сон.

2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» фармонлари, 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сон «2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида белгиланган кенг кўламли стратегик чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маданий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамизда долзарб ва янги соҳалар сифатида реклама фаолияти ва унга алоқадор масалалар бевосита иқтисодиёт тармоқларидан ташқари ижтимоий психология, иқтисодий психология, маркетинг психологиясида ўрганиб келинмоқда. Ўзбекистонда рекламанинг ижтимоий, маданий, этнопсихологик жиҳатлари мамлакатимиз олимлари Г.Исанова, М.А.Икрамов, В.М.Каримова, Л.И.Каримова, А.Н.Самадов, Н.Н.Шомуротова, И.Б.Шарипов каби иқтисодчи, педагог, психолог олимлар томонидан илмий таҳлиллар доирасида тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги мамлакатлари олимлари Г.М.Андереева, И.В.Алёшина, Д.С.Бадалов, Б.Л.Борисов, В.Бородина, Т.А.Бороноева, И.Л.Викентьев, И.В.Грошев, С.М.Исаев, И.В.Крылов, А.Н.Лебедев, Е.В.Маркова, Ф.Г.Панкратов, Е.Е.Пронина Б.Д.Семенов, О.А.Феофанов, Л.Н.Хромов ва бошқалар томонидан реклама ва унинг шахс ва гуруҳларга таъсирининг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган.

Хорижлик олимлар С.Х.Бритт (Britt Steuart Henderson), У.Д.Скотт (Dill Walter Scott), Л.Фестингер (Leon Festinger), Д.Б.Лукас (Lucas Darrel Blaine), Р.Фербер (Robert Ferber), Л.Лее (Lucy Chao Lee) ва бошқалар томонидан реклама фаолиятининг моҳияти, унинг шахс ва гуруҳлар томонидан баҳоланиши, ушбу жараёнларда шахснинг ўрни ва шахслараро муносабатларнинг намоён бўлиши масалалари ўрганилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170930223 рақамли «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмининг такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** рекламани идрок этувчилар шахсининг хусусиятлари миллий кадриятларга боғлиқлиги ва уларнинг этнопсихологик ўзига хослигини эмпирик жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда тадбиркорлар ва реклама берувчилар учун тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

тадбиркорлар ва рекламани идрок этувчи ёшларнинг гуруҳий ўзига хослигини амалий жиҳатдан тадқиқ ва таҳлил қилиш;

реklamани идрок этишнинг шахс типологиясига (экстраверт, интроверт, амбиверт) боғлиқлиги ҳамда уларнинг миллий кадриятларга алоқадорлигини эмпирик жиҳатдан аниқлаш;

реклама идрокининг шахсдаги ижтимоий установакалар ва уларнинг турли жабҳаларига (когнитив, аффектив, конатив) боғлиқлигининг этнопсихологик хусусиятларини эмпирик йўл билан асослаш;

самарали рекламани идрок этувчиларнинг ижтимоий установакалари ҳамда кадриятларидаги этнопсихологик ўзига хосликни ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистонда реклама идрок қилувчилар шахсининг этнопсихологик хусусиятларини ўрганиш жараёни танланган бўлиб, жами 443 нафар респондент: Ўзбекистон бозорида фаолият юритаётган 191 нафар (84 нафар аёл, 107 нафар эркак) тадбиркор ва иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритишни истаётган 160 нафар (51 нафар аёл, 109 нафар эркак) бўлажак тадбиркор; маҳаллалардан танлаб олинган жами 48 та оила вакиллари бўлган 92 нафар (47 нафар аёл ва 45 нафар эркак) истеъмолчи қатнашган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни реклама маҳсулотларини идрок этувчиларнинг шахсий фазилатлари ва уларнинг миллий кадриятларга алоқадор ижтимоий установакалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида суҳбатнинг диалог, полилог шакллари, «Менинг ҳаётимда рекламанинг ўрни» номли ижтимоий-психологик сўровнома (ИПС), Карл Юнгнинг шахс типини (экстраверт, интроверт, амбиверт) аниқлаш сўровномаси, О.И.Мотков ва Т.А.Огневанинг «Кадриятлар ориентацияси» методикаси, «Рекламага бўлган муносабатим» мавзусида олинган эркин иншонинг контент-таҳлилидан фойдаланилди. Олинган натижаларнинг статистик ишонччилик даражаси математик статистика методлари: Студентнинг t-мезони, Спирменнинг ранг корреляция коэффициентидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

реклама маҳсулотлари истеъмолчиларининг асосий қисми ёшлар ва аёллар аудиторияси эканига кўра, гендер жиҳатдан аёлларда эркакларга нисбатан эмоционал таъсирланиш ва мотивация, ахборотни адекват идрок қилишга мойилликнинг юқорилигига асосланиб, харид маданияти борасида анъанавий позициянинг намоён бўлиши далилланган;

реklamани идрок этиш жараёнига шахс типологик хусусиятларининг таъсири натижасида интровертларда ички, экстравертларда эса ташқи кадриятларнинг амалий хулқ мотивациясига трансформацияланишига кўра, харид танловини амалга оширишга нисбатан оптимистик муносабатнинг шаклланиши асосланган;

маҳсулотларни реклама қилишда ишонтириш усулининг қўлланиши ижтимоий установакаларнинг аффектив ва конатив компонентини «муаммоли вазиятни яратиш», «репортаж» каби психологик таъсир механизми асосида

уйғунлаштириши туфайли истеъмолчилар аудиториясининг гендер жиҳатларига мувофиқ дифференциал таъсирга эга экани исботланган;

реклама маълумотларининг «ахборот эффементи»ни адекват идрок қилиш жараёнининг шаклланиши ижтимоий установканинг аффементив, когнитив, конотив идрокга боғлиқ равишда дифференциал намоён бўлишига кўра, истеъмолчиларда харид қилиш маданияти билан боғлиқ хулқнинг ривожланишига тўғри пропорционал экани асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда реклама идрок қилувчилар шахсининг этнопсихологик хусусиятларини ўрганишда қўлланган услубий воситалар, сўровнома ва методикалар амалиётда фойдаланиш учун тақдим этилган;

Ўзбекистонда реклама идрок қиливчилар шахсининг этнопсихологик хусусиятларини ўрганишга мўлжалланган психодиагностик баҳолаш комплекси ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган ҳамда олий таълим муассасаларида бўлажак тадбиркорларни, иқтисодчиларни касбга тайёрлаш, ўқитиш ва компетентлигини оширишда услубий қўлланма, дарсликлар тайёрлашда фойдаланиш учун таклиф этилган;

тадқиқот иши натижалари, чиқарилган хулосалар, таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ходимларини ижтимоий-психологик билимдонлигини ошириш, амалий фаолиятда кўникмаларини такомиллаштириш, улар асосида мамлакатимизда нафақат Ўзбекистонда, балки ўзга халқлар истеъмол дидига мос келадиган бренд товарларининг реклама фаолиятини амалга оширишда фойдаланишга тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилгани, халқаро миқёсда тан олинган методик воситалар, маълумотларнинг репрезентативлиги, эмпирик изланишларнинг назарий чуқур асослаб берилгани; ижтимоий-психологик сўровнома (ИПС), контент-тахлил, К.Юнг, О.И.Мотков ва Т.А.Огневанинг методикаларидан фойдаланилгани, эмпирик натижаларнинг мақсадга мувофиқ таҳлил қилингани, натижалар «Ms Excel», «SPSS 20.0» дастурлари воситасида қайта ишлангани; илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бевосита унинг илмий янгилиги ва тадқиқот методларининг ишонччилигидан келиб чиқади, шунингдек, эмпирик тадқиқот дастурини ишлаб чиқиш усуллари, мазмуний-статистик таҳлил, ўзига хос методологик ёндашувларнинг тадқиқотда комплекс равишда қўлланиши реклама идрокининг этнопсихологик хусусиятлари ва миллий реклама маҳсулотлари яратиш йўналишига ўзига хос назарий ҳисса бўлиб қўшилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда эмпирик таҳлиллар орқали қўлга киритилган натижалар ва назарий хулосалар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режаларига киритилган «Ижтимоий психология», «Менежмент ва маркетинг психологияси», «Шахс психологияси», «Умумий психология», «Реклама психологияси» каби фанларни янги маълумотлар билан бойитади, шу



билан бирга, натижалар миллий реклама маҳсулотлари яратишда этнопсихологик хусусиятларни шарҳлаш имкониятини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда реклама идрок қилувчилар шахсининг этнопсихологик хусусиятлари юзасидан ўтказилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

реклама маҳсулотлари истеъмолчиларининг асосий қисми ёшлар ва аёллар аудиторияси эканига кўра, гендер жиҳатдан аёлларда эркакларга нисбатан эмоционал таъсирланиш ва мотивация, ахборотни адекват идрок қилишга мойилликнинг юқорилигига асосланиб, харид маданияти борасида анъанавий позициянинг намоён бўлишига оид хулосалар таклифлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 18 августдаги П-М-8-сонли буйруғи билан «Менежмент ва маркетинг психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 18 августдаги П-М-8-сонли маълумотномаси). Натижада, бўлажак тадбиркорлар, педагог-психологлар, жамиятнинг турли соҳаларига хизмат кўрсатишга тайёрланаётган амалиётчи психолог, маркетинг, иқтисодчи мутахассисларнинг касбий тайёргарлик даражасини ошириш соҳасида сифат жиҳатдан ўсишга эришилган;

рекламани идрок этиш жараёнига шахс типологик хусусиятларининг таъсири натижасида интровертларда ички, экстрровертларда эса ташқи қадриятларнинг амалий хулқ мотивациясига трансформацияланишига кўра, харид танловини амалга оширишга нисбатан оптимистик муносабатнинг шаклланишига оид хулосалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 18 августдаги П-М-8-сонли буйруғи билан «Ижтимоий психология» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 18 августдаги П-М-8-сонли маълумотномаси). Натижада, бўлажак психолог кадрларнинг услубий-технологик тайёргарлиги такомиллаштирилган;

маҳсулотларни реклама қилишда ишонтириш усулининг қўлланиши ижтимоий установкаларнинг аффектив ва конатив компонентини «муаммоли вазиятни яратиш», «репортаж» каби психологик таъсир механизми асосида уйғунлаштириши туфайли истеъмолчилар аудиториясининг гендер жиҳатларига мувофиқ дифференциал таъсирга эга эканини асослаш бўйича таклифлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 18 августдаги П-М-8-сонли буйруғи билан «Шахс психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 18 августдаги П-М-8-сонли маълумотномаси). Натижада, бўлажак психолог кадрларнинг ёшларда тадбиркорлик кўникмалари, улар фаолиятида самарали миллий реклама маҳсулотлари тайёрлаш, реклама маҳсулотларида шахс хусусиятлари, гендер фарқлар ва этнопсихологик ўзига хосликни инобатга олиш учун зарур илмий-амалий ҳамда услубий тайёргарлиги такомиллаштирилган;

реклама маълумотларининг «ахборот эффекти»ни адекват идрок қилиш жараёнининг шаклланиши ижтимоий установканинг аффектив, когнитив, конотив идрокга боғлиқ равишда дифференциал намоён бўлишига кўра, истеъмолчиларда харид қилиш маданияти билан боғлиқ хулқнинг ривожланишига тўғри пропорционал эканини асослашга оид таклифлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 18 августдаги П-М-8-сонли буйруғи билан «Умумий психология» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 18 августдаги П-М-8-сонли маълумотномаси). Натижада, бўлажак психолог кадрларнинг умумий психологияга оид билимларини ривожлантиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий конференциясида маъруза шаклида баён этилиб, ижобий баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот ишининг асосий натижалари бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 7 та мақола (4 таси республика ва 3 таси хорижий журналда) ва 8 та халқаро ва республика конференциялари материаллари тўпламида ўз аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, тўққизта параграф, боблар бўйича қисқа хулосалар, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг умумий ҳажми иловаларсиз 123 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, зарурати, мақсади, объекти ва предмети, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётда жорий этилиши билан боғлиқ маълумотлар илмий жиҳатдан асосланган. Бундан ташқари чоп этилган ишлар ва диссертация ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ижтимоий психологияда реклама ва уни идрок этиш муаммоси**» деб номланган биринчи боби мазмунан адабиётлар таҳлиliga бағишланган бўлиб, психологияда реклама ва унинг шахс хусусиятларига боғлиқлиги, рекламани идрок этишда ижтимоий-психологик омиллар ҳамда Ўзбекистонда рекламани ўрганишга оид тадқиқотларнинг назарий ва илмий-методологик таҳлили баён этилган. Хусусан реклама- атамаси лотинча «**teklama**»- «қаттиқ қичқирмоқ ёки хабар қилмоқ» сўзидан келиб чиққанлиги

борасида қадимги Юнонистон ва Римда сақланиб қолган эълонлар (қаттиқ қичқириқлар тарзидаги эълонлар ёки халқ тўпланадиган майдонлар ва бошқа жойларда ўқиб бериладиган матнлар) тарзидаги маълумотлар мавжудлиги манбалар асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, шарқ мамлакатларида бозор муносабатларининг ривожланиши натижасида рекламанинг дастлабки кўринишлари юзага келиши ҳамда хабарларни етказиш учун махсус жарчиларнинг мавжудлиги борасидаги манбалар ёритиб берилган.

Мазкур бобда рекламани идрок этишда бевосита ва билвосита иштирок этувчи ижтимоий-психологик омилларнинг қисқача моҳияти ёритиб берилган. Рекламанинг идрок қилинишига таъсир этувчи омиллар сирасига, жумладан гуруҳий қизиқишлар, идрок этувчиларнинг оиласи ва ундаги анъаналарнинг сақланганлик даражаси, гендер стереотиплар, миллий ва умуминсоний кадриятларнинг роли назарий манбалар асосида таҳлил этилиб, бу аввало турли гуруҳ вакилларнинг ёш хусусиятлари, эркак ва аёлларнинг жамиятдаги роллари ҳамда статус-мавқелари турлича экани билан белгиланиши эътироф этилган.

Мазкур бобда шунингдек, Ўзбекистонда реклама ва уни идрок этиш муаммосининг ўрганилиш ҳолатига оид масалалар илмий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилинган. Реклама бир неча асрдан буён муҳим иқтисодий-ташкилий фан сифатида шаклланганлиги, Ўзбекистонда ушбу фаолиятни амалга оширувчи кадрларни тайёрлашга эътибор жуда суст бўлганлиги, реклама фаолияти, реклама психологияси фани ҳам энди таълим стандартларига киритилаётганлиги, ваҳоланки, хорижда, айниқса Европа ва АҚШда ушбу соҳа бўйича етарли даражада назарий ва амалий ишлар олиб борилганлиги асосланган.

Умумий назарий таҳлиллар рекламанинг бевосита инсон онги ва тасаввурлари оламига, тафаккури ва менталитетига таъсир кўрсатувчи фаолият эканини билган ҳолда унинг миллий психология орқали жамият тараққиётига, унинг тилига, қонунларига ҳамда тарихига таъсир кўрсатадиган жабҳа экани, шу билан бирга жамиятдаги ўзгаришларга алоқадор ижтимоий психологик ходиса ҳисобланишини белгилашга имкон берди. Зеро, реклама психологияси бўйича ўтказилган тадқиқотлар реклама маҳсулотлари, товар ва хизматларнинг Ўзбекистон аҳолисининг миллий анъаналари, миллатнинг диди ва турмуш тарзи билан ҳамоҳанг тарзда қандай ўзгариши мумкинлигини махсус изланишларнинг предмети сифатида ўрганишнинг аҳамиятини асослади.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Реклама ва уни идрок қилишни ўрганишнинг илмий методологик асослари»** деб номланиб, мазкур бобда реклама психологиясини тадқиқ этишнинг методологик ҳамда методик асослари, реклама маҳсулотларини танлаш ва идрок этиш хусусиятлари, Ўзбекистонда маҳсулотларни реклама қилувчиларнинг умуминсоний ҳамда миллий кадриятлар йўналганлигидан келиб чиқиб, ушбу йўналишлардаги илмий изланишларда методик ва методологик ёндашувлар муҳим экани каби масалалар таҳлил қилинган.

Диссертацияда танланган объектлардаги гуруҳларнинг реклама маҳсулотлари, уларнинг респондент ҳаётидаги ўрни, энг кўп истеъмол қилинадиган маҳсулотлар ва хизматлар тўғрисидаги ижтимоий тасавурларини ўрганиш мақсадида «Менинг ҳаётимда рекламанинг ўрни» (Муаллифлик сўровномаси) деб номланган ижтимоий-психологик сўровномадан фойдаланилди. Ижтимоий психологик саволнома дастлабки сўхбат ва сўровлар асосида тузилган 20 саволни ўз ичига олади. Сўровномада респондентларнинг берган жавоблари умумлаштирилган ҳолда таҳлил қилинди ва қуйидаги натижалар олинди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Респондентларнинг реклама маҳсулотларига нисбатан муносабати (n=443)

Муносабат	Тадбиркорлар (n=191)				Талабалар (n=160)				Оддий истеъмолчилар (n=92)			
	Эркаклар (n=107)		Аёллар (n=84)		Эркаклар (n=109)		Аёллар (n=51)		Эркаклар (n=45)		Аёллар (n=47)	
	Сон и	%	Сон и	%	Сон и	%	Сон и	%	Сон и	%	Сон и	%
Ижобий	67	62,6	66	<b>78,6</b>	86	<b>78,9</b>	51	<b>100</b>	28	<b>62,2</b>	31	<b>65,9</b>
Салбий	14	13,1	18	21,4	13	11,9	-		4	8,9	16	34,1
Бефарқ	26	24,3	-		10	9,2	-		13	28,9	-	
<b>Жами</b>	107	100	84	100	109	100	51	100	45	100	47	100

Юқоридаги натижалардан, реклама маҳсулотлари истеъмолчиларининг асосий қисми ёшлар ва аёллар аудиторияси экани, уларнинг реклама маҳсулотлари идроки борасида ижобий установкалар шаклланганлигини ва улар рекламаларга бефарқ эмаслигини кўриш мумкин. Тадқиқот давомида гендер жиҳатдан аёлларда эркакларга нисбатан эмоционал таъсирланиш ва мотивациянинг юқори даражаси ҳамда ахборотни адекват идрок қилишга мойилликнинг юқорилиги аниқланди. Бундан ташқари, реклама истеъмолчилари асосан ёшлар бўлиб, уларда катталарга нисбатан реклама ахборотларини қабул қилишга нисбатан ижобий установкалар мавжуд.

Сўровномада олинган таҳлиллардан оддий аҳоли вакили бўлмиш истеъмолчиларда рекламага эътибор ва уларни адекват идрок қилишга мойиллик борган сари ошиб бораётганлиги аниқланди. Чунки глобал миқёсда атрофни доимий равишда қамраб олган реклама ташвиқоти оддий истеъмолчиларнинг ёши, худуди ва гендер хусусиятларидан қатъий назар, улар онгига тобора сингиб кетишига кучли туртки - сабаб бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида тадбиркорлар ҳамда талабалар шахсининг қадриятларини, уларнинг аҳамияти ва амалга ошириш даражасини ўрганиш мақсадида О.И.Мотков ва Т.А.Огневанинг «Қадриятлар ориентацияси» методикасидан фойдаланилди (2-жадвал).

2-жадвал

**Синалувчилар ҳаётида аҳамиятга эга бўлган қадриятлар ва уларни амалга ошириш даражасининг баҳоланиши (n=351)**

№	Техник хусусияти	Аҳамиятлилик Даражаси		Амалга ошириш даражаси	
		Тадбиркорлар (n=191)	Талабалар (n=160)	Тадбиркорлар (n=191)	Талабалар (n=160)
1	Моддий фаровонлик (А)	4,8	3,7	5	2,4
2	Шахсий ўзини ривожлантириш (Б)	2,3	4,8	5	4,9
3	Шухрат, машхурлик (А)	4	1,5	4	1,8
4	Одамларга ҳурмат ва ёрдам, ахлоқий тамойилларга риоя қилиш (Б)	4,8	4,2	5	3,6
5	Жисмоний жозибadorлик, ташқи кўриниш (А)	4	3,4	5	3,6
6	Инсонлар билан илик, ғамхўр муносабатда бўлиш (Б)	5	5	5	3
7	Юқори ижтимоий мавқе (А)	3	3,8	4	2,4
8	Ижодкорлик (Б)	4	3	4	3
9	Ҳашаматли ҳаёт (А)	4	2	5	3,2
10	Табиатга эҳтиёткорона муносабат ва муҳаббат (Б)	5	4	5	5
А	Ташқи қадриятлар	А=3,96	А=2,88	В=4,6	В=2,7
Б	Ички қадриятлар	Б=4,22	Б=4,2	Г=4,8	Г=3,9

Натижалардан тадбиркор синалувчиларда ички ва ташқи қадриятлар мос равишда юқорилиги, ҳамда уларда қадриятларни аҳамиятлилик даражасига нисбатан уларни амалга оширишга кўпирок интилишлари аниқланди. Талабаларда эса ташқи қадриятларга нисбатан ички қадриятлар юқори ҳисобланади. Улар учун аҳамиятли қадриятлар мавжуд, лекин уларни амалга оширишга келганда бироз сусткашликка йўл қўйишлари аниқланди.

Шунингдек, методика бўйича шахс қадриятларини, уларнинг аҳамияти ва амалга ошириш даражаси бўйича гендер фарқлар ўрганилди (3-жадвал).

3-жадвал

**Шахс қадриятларини, уларнинг аҳамияти ва амалга ошириш даражаси кўрсаткичлари (n=351)**

Синалувчилар	Қадриятлар				Изоҳ
	«Аҳамият» даражаси		«Амалга ошириш» даражаси		
	А	Б	В	Г	
Аёллар	4,1	4,6	3,9	4,4	А < Б ва В < Г
Эркаклар	3,7	4,2	3,5	3,8	А < Б ва В < Г
Синалувчиларнинг ўртача баллари	3,9	4,4	3,7	4,1	А < Б ва В < Г

Изоҳ: А-ташқи қадриятларнинг аҳамияти; Б-ички қадриятларнинг аҳамияти; В-ташқи қадриятларнинг амалга оширилиши; Г- ички қадриятларнинг амалга оширилиши.

Натижалар жинслар кесимида таҳлил қилинганда ҳам сезиларли фарқлар аниқланди. Аёлларда ички ҳамда ташқи қадриятлар аҳамияти ҳам, амалга ошириш даражаси ҳам эркакларга қараганда юқори. Аёллар учун юқорида келтирилган методика бўйича қадриятлар муҳим бўлиб, улар доимо ҳашаматли ҳаётга, юқори ижтимоий мавқега, жисмоний жозибадорликка интилиб, эркакларга нисбатан таъсирчан ва ҳаётда гўзалликка интилиб яшайдилар. Эркаклар эса анча ўзини камтар тутишади.

Методикалар юзасидан олинган натижалар асосида реклама маҳсулотлари истеъмолчиларининг асосий қисми ёшлар ва аёллар аудиторияси эканига кўра, гендер жиҳатдан аёлларда эркакларга нисбатан эмоционал таъсирланиш ва мотивация, ахборотни адекват идрок қилишга мойилликнинг юқорилигига асосланиб, харид маданияти борасида анъанавий позицияни намоён бўлиши исботланди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Рекламани идрок этувчилар шахсининг этнопсихологик ўзига хослигини ўрганиш натижалари**» деб номланади. Унда реклама ва миллий реклама масалалари, бренд товарларни шакллантиришда эътибор қаратиш лозим бўлган масалалар, синалувчиларнинг реклама маҳсулотларини идрок қилиши тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлари, самарали рекламани идрок этишга ўргатишнинг истиқболлари, шунингдек, олиб борилган иккинчи ва учинчи босқич экспериментал тадқиқотларнинг таҳлили келтирилган.

Тадқиқотда тадбиркорлар ҳамда талабаларнинг шахс типини (экстраверт, интроверт, амбиверт) аниқлаш учун К.Юнг методикасидан фойдаланилди ва олинган натижалар О.И.Мотков ва Т.А.Огневанинг «Қадриятлар ориентацияси» методикаси орқали олинган натижалар билан қиёсланиб, умумлаштирилди (4-

жадвал). Натижада, рекламани идрок этишнинг шахс типологиясига (экстравертлик, интровертлик, амбивертлик) боғлиқлиги ҳамда қадриятлар ориентацияси (ички ва ташқи) ва уларнинг аҳамиятлилик ва амалга ошириш даражасига алоқадорлиги эмпирик жиҳатдан ўрганилиб, рекламани идрок этиш жараёнига шахс типологик хусусиятларининг таъсири ва бу таъсирнинг харид танловини амалга оширишга нисбатан муносабати аниқланди.

#### 4-жадвал


### Синалувчиларнинг шахс типлари бўйича қадриятлар ориентацияси натижалари (n=351)

	Техник хусусияти	«Аҳамият» даражаси			«Амалга ошириш» даражаси		
		Интроверт	Экстраверт	Амбиверт	Интроверт	Экстраверт	Амбиверт
1	Яхши моддий фаровонлик (А)	3	4,5	5	2,4	3,8	4,1
2	Шахсий ўзини ривожлантириш (В)	4,8	4,2	3,6	4,5	4,8	4,4
3	Шухрат, машхурлик (А)	2	4,6	4,8	2,6	2,4	4,6
4	Одамларга ёрдам ва ҳурмат, ахлоқий тамойилларга риоя қилиш (В)	3,4	4,1	4,5	2,1	3,6	4
5	Жисмоний жозибadorлик, ташқи кўриниш (А)	2,6	4,3	4,6	2,5	4,3	4,8
6	Инсонлар билан илиқ, ғамхўр муносабатда бўлиш (В)	4,1	4,5	4,7	2,4	3,5	3,8
7	Юқори ижтимоий мавқе (А)	3	4,4	4,5	2,6	4,8	4,8
8	Ижодкорлик (В)	4,3	3,8	4,2	4,5	4,8	4,6
9	Ҳашаматли ҳаёт (А)	2,8	4,1	5	3,1	4,6	4,8
10	Табиатга эҳтиёткорона муносабат ва муҳаббат (В)	3,2	4,0	4,3	4,2	4,6	4,8
	Ташқи қадриятлар	A =2,68	4,38	4,78	$V_{\text{ташқи}} = 2,64$	3,98	4,62
	Ички қадриятлар	B = 3,96	4,12	4,26	$\Gamma_{\text{ички}} = 3,54$	4,26	4,32

Тадқиқотда олинган таҳлил натижасида рекламани идрок этиш жараёни шахс типологияси ва қадриятлар йўналганлигига боғлиқ ҳолда юз бериши, интровертлар учун ички қадриятларнинг аҳамияти (3,96) ва уни амалга ошириш даражаси (4,26) юқорилиги, экстравертлар (мос тарзда 4,38 ва 3,98) ва

амбивертлар (мос холда 4,78 ва 4,62) учун эса ташқи кадриятлар аҳамиятлилиги ва амалга ошириш даражаси юқорилиги аниқланди. Шунга қарамай, истеъмолчилар сифатидаги амалий хулқ мотивацияси даражаси иккала тоифа вакилларида муайян позитивлиликка эгаллиги асосланди.

О.И.Мотков ва Т.А.Огневанинг «Қадриятлар ориентацияси» методикаси иккинчи қисми бўйича респондентлар кадриятларини амалга ошиши сабабларининг субъектив баҳолари ўрганилди (1-расм).



**1-расм. Синалувчилар кадриятлари амалга ошиши сабабларининг субъектив баҳоси**

Бунга кўра, интровертлар табиий хусусиятларини ташқи ва ички кадриятларнинг амалга ошишига сабабчи сифатида юқори даражада боғласаларда, лекин кадриятларни ижобий қабул қилишда ўз куч ва хоҳишларига боғланиши ҳам юқори даражада намоён бўлди.

Экстраверт ва амбивертларда ҳам кадриятларнинг амалга ошиш сабаблари табиий хусусиятлари ва ўз кучига боғлиқлиги юқори даражада намоён бўлган. Бундан синалувчилар эришаётган ҳар бир ютуғини табиий хусусиятлари ва ўз кучи маҳсули деб ҳисоблашларини англаш мумкин.

Тадқиқот методикалари бўйича ўтказилган психологик таҳлил натижасида кадриятларнинг шахс учун аҳамиятлилик ва амалга ошириш даражалари уларнинг типологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда намоён бўлиши аниқланди. Асосан интроверт типли респондентлар учун ички кадриятларга, экстраверт типли шахсларга эса ташқи кадриятларга йўналганлик юқори



эканлиги ҳамда бозор муносабатларида ва харидларни амлага ошириш пайтидаги фаоллик даражаси муҳим бўлиши ўз тасдиғини топди.

Юқоридаги натижалар асосида тадқиқотнинг қуйидаги ишчи тахминлари асосланди. Яъни, рекламани идрок этиш жараёнига шахс типологик хусусиятларининг таъсири натижасида интровертларда ички, экстравертларда эса ташқи кадриятларнинг амалий хулқ мотивациясига трансформацияланишига кўра, харид танловини амалга оширишга нисбатан оптимистик муносабат шаклланади.

Тадқиқотда синалувчилардаги реклама маҳсулотларини қандай идрок қилиши тўғрисидаги ижтимоий тасаввурларини ўрганиш учун улардан «Рекламага бўлган муносабатим» мавзусида эркин иншолар олинди ва иншо матни контент-таҳлил қилинди. Мазкур тадқиқотда синалувчиларга жавоб беришлари осон ва стандарт нормаларга йўналтирувчи саволлар келтирилган махсус тайёрланган сўровнома шаклидаги, ўз фикр-муносабатларини ёзишга мўлжалланган дафтарчалар тарқатилди. Тадқиқотнинг ушбу босқичида иштирок этган барча қатнашчиларининг ёзган иншоларини таҳлил қилишнинг иложиси бўлмади, материалларнинг бир қисмидан воз кечишга тўғри келди. Синалувчиларнинг олдиларига қўйилган вазифани тўла ва нисбатан мазмунан бой қилиб ёзиб берган талаба ва тадбиркор истеъмолчиларнинг иншолари матнидаги энг кўп марта қайтарилган жумлалар, сўзлар ва таянч иборалар контент-таҳлил талабларига кўра саралаб, ажратиб олинди ва умумлаштириб, хулосалар чиқарилди (5-жадвал).

#### 5-жадвал


#### «Рекламага бўлган муносабатим» мавзусида ёзилган эркин иншонинг ташқи тавсифларини ўрганиш натижалари (n= 207)

Таҳлил мезони	Тадбиркорлар (n=88) абс / ўртача		Талабалар (n= 119) абс / ўртача		Жами
	Аёллар (n=46)	Эркаклар (n=42)	Қизлар (n=51)	Йигитлар (n=68)	
Сатрлар сони	21,7	19,4	28,2	14,4	20,9
Абзацлар сони	3,9	3,2	3,7	2,2	3,2

Матнларнинг ташқи сифат тавсифларининг миқдор таҳлили тадбиркор аёллар ва талаба-қизларда рекламага нисбатан умумий фикрлар хажм жиҳатдан тўлароқ ва бойроқ эканини кўрсатди, чунки уларда абзацларнинг ўртача миқдори умумий танловдагиларникидан юқорироқ (3,9 ва 3,7). Бу аёллар ва қизларнинг реклама борасидаги ижтимоий тасаввурлари кенгроқлиги, қизиқишлари кучлироқ эканини кўрсатди.

Контент-таҳлил давомида синалувчилардаги когнитив, аффеktiv, конатив компонентли тизим ўрганилди. Бунга кўра билиш билан боғлиқ компонент қолганларига нисбатан кам фоизларда аниқланди. Демак, рекламани қабул қилишда синалувчилар, айниқса, аёллар кўпроқ хис-туйғуларга берилишади. Рекламага ишонтиришда истеъмолчиларга психологик таъсир усулларида фойдаланиш айниқса «муаммоли вазиятни яратиш», «репортаж» каби таъсир воситалари билан берилиши, шунингдек машхур шахслар орқали таъсир жуда кучли қабул қилинади. Аффеktiv компонентга мос ҳолда мазкур маҳсулотни сотиб олиш ҳаракатлари ҳам унга ҳамоҳанг юз беради. Эмоционал қабул қилинган маҳсулотни сотиб олиш айниқса аёллар ва ёш қизлар томонидан кўпроқ амалга оширилиши аниқланди. Натижалардан маҳсулотларни реклама қилишда ишонтириш усулини қўлланиши ижтимоий установакаларнинг аффеktiv ва конатив компонентини «муаммоли вазиятни яратиш», «репортаж» каби психологик таъсир механизми асосида уйғунлаштириши туфайли, истеъмолчилар аудиториясининг гендер жиҳатларига мувофиқ дифференциал таъсирга эга экан деган хулосага келинди.

Тадқиқот давомида ўтказилган методикаларининг психологик таҳлили ўтказилиб, синалувчиларда ўтказилган сўровнома, контент таҳлил жавоблари ўрганилди ва натижалар когнитив, аффеktiv, конатив компонентли тизимига ажратилди (2-расм).



**2-расм. Синалувчиларнинг рекламани идрок этишидаги ижтимоий установакаларининг намоён бўлишидаги фарқлар**  
(Манба: муаллиф ишланмаси)

Олиб борилган тадқиқот натижаларидан реклама маҳсулотларини идрок этишда истеъмолчиларда билиш компоненти (когнитив) энг кам аҳамиятга эгаллиги аниқланди. Айниқса, ёшлар аудиторияси, яъни талаба қизларнинг 53% реклама қилинаётган маҳсулотни идрок этишда ҳиссиётга берилиб, объектни

эмоционал баҳолаш орқали (аффектив) қабул қилишади. 2-расмга аҳамият берилса, конотив компонент иккинчи ўринда турганини кузатиш мумкин. Лекин тадбиркор эркакларда бу компонент аффектив компонентдан ҳам устунлигини кўрамыз. Бошқа синалувчиларда, аксинча, аффектив компонент юқори.

Ёш истемолчиларда, жинсидан қатъий назар, бу жиҳатнинг намоён бўлиши кўп ҳолатларда реал вазиятларга боғлиқ экани, когнитив қобилиятларнинг ўрни ҳам сезиларли бўлиши, ёшлар ота-оналаридан фарқли кўпроқ хориж маҳсулотларига нисбатан очиқ қизиқиш, муносабат билдириши, ўзбекистонлик аёлларнинг эса аксинча, маҳаллий маҳсулотларга нисбатан установакалари кўп ҳолатларда ижобий бўлиши этнопсихологик хусусият экани исботланди. Айни шу маънода худудлар психологияси ҳам роль ўйнайди, чунки йирик шаҳарларнинг аҳолисига нисбатан кичик шаҳарчалар ва қишлоқ аёлларида маҳаллий бозорлардаги товар-маҳсулот ва хизматларга ориентация сезиларли экани тадқиқотда исбот қилинди.

Тадқиқот юзасидан олинган натижалардан реклама маълумотларининг «ахборот эффеќти»ни адекват идрок қилиш жараёнини шаклланиши ижтимоий установаканинг аффектив, когнитив, конотив идрокга боғлиқ равишда дифференциал намоён бўлишига кўра, истемолчиларда харид қилиш маданияти билан боғлиқ хулқнинг ривожланишига тўғри пропорционал экани аниқланди.

## ХУЛОСА

Мавзу бўйича олинган назарий ва эмпирик натижалар тахлили куйидаги илмий асосланган хулосаларга келиш имконини берди.

1. Самарали реклама маҳсулотлари яратишда Ўзбекистонда реклама идроки борасидаги этнопсихологик хусусиятлар мавжудлиги, реклама маҳсулотлари истемолчиларининг асосий қисми ёшлар ва аёллар эканига кўра, гендер жиҳатдан аёлларда эркакларга нисбатан эмоционал таъсирланиш ва мотивация, ахборотни адекват идрок қилишга мойилликнинг юқорилигига асосланиб, харид маданияти борасида анъанавий позициянинг намоён бўлишига хос хусусиятларга таяниш зарур ва мақсадга мувофиқдир.

2. Рекламани идрок этиш жараёнига шахс типологияси (экстраверт, интроверт, амбиверт) ва қадриятлар (ташқи қадриятлар, ички қадриятлар) йўналганлиги муҳим психологик воситалар сифатида ўз таъсирини кўрсатиши, интровертларда ички, экстравертларда эса ташқи қадриятларнинг амалий хулқ мотивациясига трансформацияланишига кўра, харид танловини амалга оширишга нисбатан оптимистик муносабат шаклланиши аниқланиб, амалиётда тасдиқланди.

3. Маҳсулотларни реклама қилишда ишонтириш усулининг қўлланиши ижтимоий установакаларнинг аффектив ва конатив компонентини «муаммоли вазиятни яратиш», «репортаж» каби психологик таъсир механизми асосида уйғунлаштириши туфайли истемолчилар аудиториясининг гендер жиҳатларига мувофиқ дифференциал таъсирга эга экани аниқланди.

4. Шахсдаги ижтимоий установакаларнинг шахсдаги кадриятлар даражасига бевосита таъсир кўрсатиши, реклама маълумотларининг «ахборот эффекти»ни адекват идрок қилиш жараёнини шаклланиши ижтимоий установаканинг аффектив, когнитив, конотив идрокга боғлиқ равишда дифференциал намоён бўлиши истемолчиларда харид қилиш маданияти билан боғлиқ хулқнинг ривожланишига тўғри пропорционал экани тасдиқланди.

5. Ўзбекистонлик реклама идрок қилувчиларнинг этнопсихологик ўзига хосликлари узоқ вақт мобайнида худудларда анъанавий бозорларда савдо қилинадиган товар, маҳсулот ва хизматларга аҳолининг талаби юқори бўлиши, халқаро бозорларда бренд товар, маҳсулот ва хизматлар бозори эса шаҳарларга хос воқелик бўлишидан дарак беришига асосланиб, реклама маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижалари ва улар асосида шакллантирилган умумий хулосалар қуйидаги **амалий тавсиялар**ни тақлиф этиш имконини берди:

1. Истиқболда олий таълим тизимининг психология йўналиши битирувчилари барча турдаги тадбиркорлик субектларига профессионал даражада маркетинг ва реклама хизматини кўрсатиши учун ўқув режаларига «Маркетинг ва реклама» модулини киритиш мақсадга мувофиқ.

2. Реклама бўйича мутахасислар ва тадбиркорлар самарали реклама маҳсулотлари яратишда истемолчиларнинг этнопсихологик ўзига хослиги, шахс типлари, ташқи ва ички кадриятларига аҳамият бериши зарур.

3. Рекламани идрок қилиш жараёни шахсдаги ижтимоий установакалар тизимининг характерига боғлиқ бўлиб, бунда объектни эмоционал (аффектив) баҳолаш аёлларга, рекламага нисбатан реал хатти-ҳаракат (конатив) асосида баҳолаш эркакларга хослигини ҳисобга олиб реклама маҳсулотлари тайёрлаш мақсадга мувофиқ.

4. Рекламани идрок қилиш мақсадга қаратилган, аниқ вақт давомида ўрганиладиган, кўп қиррали ва мураккаб таҳлил ва синтез жараёнини ифодалайди. Шу жиҳатдан реклама маҳсулотларини яратишда харидор онги, хулқ-атворида таъсир қилувчи маълумотлар, нарса ва ҳодисаларни перцептив образи асосида англаш, қабул қилишга ундайдиган ахборотлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
PhD.03/30.12.2021.P.26.02 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ОМОНОВ ШЕРАЛИ ИБРОХИМ УГЛИ**

**ЭТНОПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЛИЧНОСТИ  
ВОСПРИНИМАЮЩИХ РЕКЛАМУ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**19.00.05 – Социальная психология. Этнопсихология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПСИХОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Тошкент – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана за №B2022.1.PhD/P279.**

Диссертация выполнена в Ферганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (psi-ik@.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Каримова Васи́ла Маманоси́ровна**  
доктор психологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Хайитов Ойбек Эшбоевич**  
доктор психологических наук, профессор

**Шойимова Шохиста Санакуловна**  
кандидат психологических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Ташкент государственный университет востоковедения**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года в \_\_ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2021.P.26.02 при Ташкентском государственном педагогическом университете по адресу: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, 27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51, e-mail: ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за №\_\_). Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года).

**Ф.А.Акрамова**  
Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней, доктор  
психологических наук, доцент

**Н.Б.Атабаева**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, доктор философии  
по психологическим наукам (PhD), доцент

**З.Т.Нишоновна**  
Председатель Научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней, доктор  
психологических наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире в результате развития экономики, торговых отношений, роста численности населения и усложнения в связи с этим продовольственной безопасности все более актуализируется внимание вопросам, связанным с потребительской мотивацией и рекламными коммуникациями. «...Реклама тем или иным образом участвует в создании образа жизни современного человека, оказывает определенное влияние на его сознание и поведение и формирует облик социальной жизни»<sup>1</sup>. Так, с каждым днем возрастает влияние рекламы на сознание, мышление, поведение и определенную систему оценок, потребительского вкуса населения мира.

В мире в последние годы в качестве приоритетной рассматривается задача изучения психологического воздействия, оказываемого рекламой на человека, вместе с тем на экономическую, социальную, политическую, культурную сферы общества. Актуальное значение приобретает научное исследование вопросов, связанных со своеобразными этнопсихологическими особенностями рекламы с учетом специфических этнических, национальных, религиозных особенностей стран и психологическим воздействием рекламы на сознание людей.

В нашей республике в последние годы в период углубления демократических реформ, укрепления основ гражданского общества и интенсивного развития рыночной экономики определены стратегические задачи и создаются необходимые основы совершенствования рекламной деятельности, достижения её эффективности, развитие узбекского бренда на мировом рынке. Основываясь на принципе «регулирования отношений в сфере оборота рекламы, в частности защиты потребителей от неверной рекламы, создание благоприятных условий для участников рекламного рынка...»<sup>2</sup>, несомненно, особо актуально изучение для поднятия на уровень бренда производимых в нашей стране множества продуктов и услуг на мировом рынке создание эффективной их рекламы, изучение психологии воспринимающих рекламу и этнопсихологическую специфику в ней именно в условиях усиления международной торговли. Вместе с тем, актуальными остаются вопросы дальнейшего развития деятельности предпринимателей в области продажи, экспорта и импорта своей продукции, продвижение на новый уровень сфер маркетинга и рекламы.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, поставленных в указах Президента Республики Узбекистан №УП-60 «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022- 2026 годы» от 28 января 2022 года, №УП-6097 «Об утверждении концепции развития науки до 2030 года» от 29 октября 2020 года, Постановлении

---

<sup>1</sup> Реклама в современном социокультурном пространстве. <https://www.dissercat.com/content/reklama-v-sovremennom-sotsiokulturnom-prostranstve>

<sup>2</sup> Закон Республики Узбекистан. О рекламе. №ЗРУ-776. 7 июля 2022 года. Национальная база данных законодательства, 08.06.2022 г., № 03/22/776/0498.

Президента Республики Узбекистан №ПП-4190 «Об утверждении Концепции развития службы охраны психического здоровья населения Республики Узбекистан на 2019-2025 годы» от 13 февраля 2019 года, а также других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями науки и технологий в республике I. «Формирование системы инновационных идей социального, правового, экономического, культурного, духовно-нравственного развития информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

**Степень изученности проблемы.** В нашей республике в качестве новой и актуальной сферы реклама и связанные с ней вопросы изучаются помимо непосредственно отраслями экономики социальной психологией, экономической психологией, психологией маркетинга. Социальные, культурные, этнопсихологические аспекты рекламы исследованы в рамках научных анализов такими отечественными учеными, как Г.Исанова, М.А.Икрамов, В.М.Каримова, Л.И.Каримова, А.Н.Самадов, Н.Н.Шомуротова, И.Б.Шарипов.

Учеными стран Содружества Независимых Государств такими, как Г.М.Андереева, И.В.Алёшина, Д.С.Бадалов, Б.Л.Борисов, В.Бородина, Т.А.Бороноева, И.Л.Викентьев, И.В.Грошев, С.М.Исаев, И.В.Крылов, А.Н.Лебедев, Е.В.Маркова, Ф.Г.Панкратов, Е.Е.Пронина Б.Д.Семенов, О.А.Феофанов, Л.Н.Хромов и др. Изучены реклама и своеобразные особенности её влияния на личность и группы.

